

2016 йил «30» июнда «УЗ-СЭМЮНГ
КО» АЖ акциядорлари умумий
йиғилиши томонидан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**УЗ-СЭМЮНГ КО ИЧКИ НАЗОРАТ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

МУНДАРИЖА:

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
2. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ТАВСИФИ ВА МАҚСАДЛАРИ	3
3. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ	4
4. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ	5
5. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН ЖАВОБГАР ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР.....	6
6. ИЧКИ НАЗОРАТ ПРОЦЕДУРАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ.....	8
7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	9

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. АЖакциядорлик жамиятининг Ички назорат тўғрисидаги ушбу Низоми (бундан буён матнда – “Низом”) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, УЗ-СЭМЮНГ КО акциядорлик жамияти (бундан

буён матнда – “Жамият”) устави, Корпоратив бошқарув Кодекси ва УЗ-СЭМЮНГ КО АЖнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом ички назорат тизимининг мақсади ва вазифаларини, унинг ишлаш тамойилларини ҳамда Жамият АЖнинг ички назорат учун жавобгар органлари ва шахсларини белгилайди.

1.3. Ушбу Низомга барча ўзгартириш ва қўшимчалар АЖ Кузатув кенгашининг қарорига биноан киритилади.

2. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ТАВСИФИ ВА МАҚСАДЛАРИ

2.1. Ички назорат – бу Жамият АЖнинг фаолиятига ўрнатилган ва рискларни бошқариш жараёнлари самарадорлигини оширишга, Жамият АЖнинг мақсадларига эришишга нисбатан қўйидаги соҳаларда асосланган ва етарли тасдиғини қўлга киритиш мақсадида янада мақбул тарзда назорат қилиш ва корпоратив бошқаришга қаратилган узлуксиз амал қилувчи жараён:

- ишлаш, фойда олиш ва активларни ҳимоя қилиш самарадорлиги даражасини қўшган ҳолда фаолиятининг самарадорлиги ва унумдорлиги;

- молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва шубҳасиз тўғрилиги;

- қабул қилинадиган, фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик ва ҳуқуқ нормаларига мослиги.

2.2. Ички назорат тизими – бу Жамиятда ташкил этилган, ички ҳужжатлар билан тартибга солинувчи ташкилий тузилма ва Кузатув кенгаши, раҳбарият ҳамда барча даражалардаги ва барча функциялар бўйича бошқа ходимлар томонидан амалга ошириладиган, назорат чоралари, ички назорат процедуралари ва усуллари мажмуи.

2.3. Ички назорат процедуралари – бу АЖ Тафтиш комиссияси томонидан, АЖ Кузатув кенгаши томонидан, АЖ Ижроия органи (Бошқаруви) томонидан ҳамда Жамият АЖнинг ички назоратни амалга оширишга вакил этилган бўлинмалари (бундан буён - АЖбўлинмалари) томонидан амалга ошириладиган ва молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қонунчиликка ва Жамият АЖнинг ички ҳужжатларига хилофликларни аниқлашга, Жамият томонидан қўйилган мақсадларга эришиш самарадорлигини баҳолашга ҳамда ички назорат субъектларининг ички назорат процедураларини амалга ошириш жараёнида бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлигига қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

2.4. Ички назоратнинг асосий мақсади Жамият ўз олдида қўйилган фаолияти мақсадларига айниқса самарали тарзда эришадиганлигига оқилона ишонч ҳосил қилишдан иборат.

2.5. Ички назорат қўйидагиларни тезкор режимда таъминлашга даъват этилган:

2.5.1. активларининг бутлиги, АЖресурсларидан тежамкор ва самарали фойдаланиш;

2.5.2. амалдаги қонунчиликка, Жамият АЖнинг ички сиёсати, стандартлари ва процедураларига риоя этиш;

2.5.3. АЖ бизнес режаларининг бажарилиши;

2.5.4. АЖнинг бухгалтерлик ёзувлари, молиявий ҳисоботлари ва бошқаришга оид ахборотларнинг тўлиқлиги;

2.5.5. рисклар АЖфаолиятида юзага келиши чоғида, уларни аниқлаш, идентификациялаш ва таҳлил этиш;

2.5.6. АЖ фаолиятидаги, ўз ичига рискларни бошқариш бўйича, улар томонидан максимал зиён етказилиши пайтига қадар ўз вақтида ва мос қарорлар қабул қилишни оловчи, рискларни режалаштириш ва бошқариш;

2.5.7. АЖнинг ишчан доираларда ва истеъмолчилар орасида яхши обрў-эътиборини қозониш ва бой бермаслик.

3. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Жамиятда ички назорат тизими қуйидаги тамойиллар асосида курилади:

3.1.1. Узлуксиз ишлаб туриш - ички назорат тизимининг доимий ва муносиб тарзда ишлаб туриши Жамиятга меъёрлардан ҳар қандай оғишларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг келгусида юзага келишининг олдини олиш имконини беради;

3.1.2. Ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобдорлиги – ҳар бир шахс томонидан назорат функцияларининг бажарилиши сифати ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилинади;

3.1.3. Мажбуриятларнинг тақсимланиши – Жамият назорат функцияларининг бир-бирини такрорлашига йўл қўймайди ҳамда мазкур функциялар ходимлар ўртасида шу тариқа тақсимланмоғи лозимки, айнан бир шахс муайян активлар билан операцияларни тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, активларнинг бутлигини таъминлаш ва уларнинг инвентаризациясини ўтказиш функцияларини бирлаштира олмасин;

3.1.4. Операцияларни муносиб тарзда маъқуллаш ва тасдиқлаш – Жамият барча молиявий-хўжалик опреацияларини вакил этилган шахслар томонидан уларнинг тегишли ваколатлари доирасида тасдиқлаш тартибини ўрнатишга интилади;

3.1.5. АЖнинг кундалик ички назоратни амалга оширувчи бўлинмасининг ташкилий холислигини таъминлаш ҳамда унинг Кузатув кенгаши олдида бевосита функционал ҳисобдорлиги;

3.1.6. Жамиятда ишлайдиган барча ички назорат субъектларининг назорат функцияларини муносиб равишда бажариш учун жавобгарлиги;

3.1.7. Ички назоратни АЖбарча бўлинмалари ва хизматларининг аниқ равшан ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга ошириш;

3.1.8. Доимий ривожланиш ва такомиллашиш – Жамият ички назорат тизимида, у янги масалаларни ҳал этиш заруратини ҳисобга олган ҳолда мослаштирила олиши, мазкур тизимни ўзи кенгайтира ва такомиллаштира олиши учун мослашувчан ростлаш шароитларини таъминлашга интилади;

3.1.9. Оғишлар тўғрисидаги хабарларни ўз вақтида етказиш – Жамиятда тегишли хабарларни оғишларни бартараф этиш борасида қарорлар қабул қилишга вакил этилган шахсларга етказишнинг максимал қисқа муддатлари ўрнатилган;

3.1.10. Ички назорат тизимининг мураккаблик даражаси ва назорат қилинадиган объектнинг мураккаблик даражаси ўртасидаги ўзаро мутаносиблик;

3.1.11. АЖнинг назорат йўлга қўйиладиган фаолияти соҳаларидаги муҳимликларни аниқлаш – ички назорат тизими билан қамраб олинмаган стратегик йўналишлар, гарчи уларнинг ишлашини (“чиқимларнинг – иқтисодий самарага” нисбати) ўлчаш қийин бўлса ҳам, ажратилади;

3.1.12. Турли хилдаги объектлар устидан ички назоратнинг комплекс характери.

4. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

4.1. Ички назорат тизими ўз ичига қуйидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ таркибий қисмларни олади:

4.1.1. Ўз ичига компания ходимларининг ахлоқий қадриятлари ва компетентлигини, идора этиш сиёсатини, раҳбарият томонидан ваколат ва масъулиятларнинг тақсимланиши усулини, ташкил этиш таркибини ва ходимлар малакасини оширишни ҳамда Кузатув кенгаши томонидан раҳбарлик ва бошқарувни олувчи назорат муҳити;

4.1.2. Рискларни баҳолаш – ўзида турли даражаларда ўзаро алоқадор бўлган муайян вазифаларга эришиш чоғида тегишли рискларни идентификациялаш ва таҳлил этишни ифода этади;

4.1.3. Раҳбарият фармойишлари бажарилаётганлигини кафолатлашга кўмаклашувчи умумлаштирувчи сиёсат ва процедуралар ҳамда ўз ичига ижобий баҳолар, санкциялар, тасдиқлар бериш, текширишлар, жорий фаолият назорати, активлар хавфсизлиги ва ваколатлар тақсимланиши кафолати сингари бир қатор ўта турли-туман ҳаракатларни олувчи назорат фаолияти;

4.1.4. Маълумотларни ўз вақтида самарали аниқлаш, уларни рўйхатга олиш ва алмашиш, шу жумладан, ички назоратнинг барча субъектларида Жамият томонидан қабул қилинган ички назорат сиёсати ва процедураларини англашни ва уларнинг ижросини таъминлашни шакллантириш мақсадида ахборотлар алмашишнинг самарали каналларини яратишни ўз ичига олувчи ахборот таъминоти ва ахборот алмашинуви фаолияти. Жамият ахборотга ижозат этилмаган киришлардан ҳимоя чораларини қўллайди;

4.1.5. Мониторинг – ўз ичига бошқарув ва назорат функцияларини олувчи жараён, мазкур жараёнда вақт ўтиши билан тизимнинг ишлаши сифати баҳоланади. Ички назорат тизимининг баҳоланиши молиявий ҳисоботнинг ишончилигига таъсир кўрсатувчи хатоларнинг юзага келиш эҳтимолини аниқлаш, ушбу хатоларнинг муҳимлигини аниқлаш ҳамда ички назорат тизимининг ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришни таъминлашга қодирлигини аниқлаш учун ўтказилади.

5. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН ЖАВОБГАР ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР

5.1. Ички назорат АЖ Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ижроия органи (Бошқаруви), Ички аудит хизмати томонидан ҳамда Жамият АЖнинг барча даражалардаги бошқа ходимлари томонидан амалга оширлади ва шунинг баробарида улардан ҳар бири ички назорат учун у ёки бу жавобгарликни ўтайди.

5.2. Жамиятда ишлаб турувчи бўлинмаларнинг функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги Жамият АЖнинг ташкилий-идоравий ҳужжатлари билан кўзда тутилган. Мазкур ҳужжатлар, худди шунингдек, ички назорат масалаларига бевосита ёки билвосита дахл қилувчи бошқа ҳужжатлар ушбу Низомга зид бўлиши мумкин эмас.

5.3. АЖ молиявий-хўжалик фаолияти назоратининг тизимлилик характерини таъминлаш мақсадида ички назорат процедураларини ўтказиш Жамият АЖнинг вакил этилган бўлинмаси – ички назоратга, Жамият АЖнинг бошқа органлари ва бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликка жавобгар бўлган Ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

5.4. Кузатув кенгашининг функцияларига қуйидагилар киради:

5.4.1. Ички назорат тизимининг муайян операциялари ва стратегияларининг ривожланиш йўналишларини аниқлаш ва маъқуллаш;

5.4.2. АЖакциядорларининг йиллик умумий йиғилишида ўтказилган таҳлиллар ва ички назорат тизимининг ишончилиги ва самаралилигининг баҳоланиши натижалари ҳақида, АЖ Ижроия органининг, ички ва ташқи аудитларнинг, Тафтиш комиссиясининг мунтазам ҳисоботларига, бошқа манбалардан олинган ахборотлар ва молиявий назорат, операциявий назорат, қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат, ички сиёсат ва процедуралар назоратини қўшган ҳолда, ўз кузатишларига асосланган ҳолда ҳар йили ахборот бериш;

5.4.3. АЖ ички назоратга жавобгар бўлинмасининг тузилиши ва таркибини аниқлаш;

5.4.4. Ички назорат процедураларини доимий такомиллаштира бориш.

5.5. Унинг ишлаб туриши учун жавобгарлик, Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган АЖички назорат соҳасидаги сиёсатга мувофиқ Ижроия органга (Бошқарувга) юклатилади. АЖ Ижроия органи ички назорат тизими процедураларини татбиқ этади ва унинг Кузатув кенгашини АЖучун барча улкан рисклар, ички назорат тизимидаги жиддий камчиликлар ҳамда уларни бартараф бўйича тадбирлар режалари ва натижалари ҳақида ўз вақтида хабардор этиб, самарали ишлашини таъминлайди.

5.6. Ҳар қандай даражадаги бўлинмалар ходимлари (раҳбарларни ҳам қўшган ҳолда) назоратни амалга ошириш бўйича стратегиялар ва процедуралар ишлаб чиқишда ўз ваколатлари доирасида бевосита иштирок этадилар. Уларнинг мажбуриятларига ностандарт вазиятлар ва муаммоларни, уларнинг юзага келишига кўра уддалаш вазифаси киради. Аҳамиятли масалалар ёки айнан бир битим доирасида юзага келган рисклар бўйича ходимлар Жамият АЖнинг юқори раҳбариятига хабар берадилар.

5.7. АЖ ва унинг ҳолис бўлинмаларининг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш доимий амал қилувчи ички назорат органи – Тафтиш комиссиясига юклатилади, унинг роли, мақсади, вазифалари, ваколатлари Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

5.8. Ички назорат процедуралари ижро этилиши, яъни айнан АЖтомонидан содир этиладиган молиявий-хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва умуман олганда УЗ-СЭМҲОНГ

КО АЖ Уставига, унинг холис бўлинмаларига мослиги устидан ҳамда бухгалтерия ва молиявий ҳисоботнинг тўлалиги ва ишончлилиги устидан мунтазам назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик Ички аудит хизмати зимасига юкланган, унинг роли, мақсади, вазифалари, ваколатлари, шунингдек, Ички аудит хизматига ўтказилган молиявий-хўжалик операцияларини баҳолаш учун материаллар ва ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари ҳамда АЖмансабдор шахслари ва ходимларининг уларни ушбу муддатларда тақдим этмаганликлари учун жавобгарлиги Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом Кузатув кенгаши билан келишилади, Ижроия орган (Бошқарув) томонидан тасдиқланади.

5.9. АЖ Ички аудит хизмати ички аудит натижалари, ички назорат тизими тўғрисида Кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради. АЖИчки аудит хизмати функционал жиҳатдан Кузатув кенгашига, аудит бўйича эса Ижроия органи (Бошқарув)га бўйсунди.

5.10. Башарти шахслар:

- иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларни ёки давлат ҳокимиятига, давлат хизмати ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларидаги хизмат манфатларига қарши жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган бўлсалар ҳамда уларга нисбатан тадбиркорлик соҳасидаги ёки молия, солиқ ва йиғимлар, қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо қўлланган бўлса;

- жамиятнинг ижроия органи таркибига кирсалар;

- Жамият билан рақобатлашувчи юридик шахсларнинг иштирокчилари, бош директори (бошқарувчиси), бошқарув органи аъзолари ёки ходимлари ҳисоблансалар;

АЖИчки аудит хизматида лавозимларни эгаллаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ички аудит хизмати таркибига кирувчи шахсларга нисбатан ўзга талаблар Кузатув кенгаши томонидан ёки Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда Ижроия орган (Бошқарув) томонидан ўрнатилиши мумкин.

5.11. Ички назорат тизимининг муносиб тарзда ишлаши, шунингдек, ходимларнинг профессионализмига ҳам боғлиқ. Жамият кадрларни танлаш, ёллаш, ўқитиш, тайёрлаш ва ходимларнинг хизмат бўйича мартабасини ошириш тизими уларнинг юқори малакасини ва улар томонидан юқори ахлоқий стандартларга риоя этилишини таъминлаши учун бор кучини ишга солади.

6. ИЧКИ НАЗОРАТ ПРОЦЕДУРАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

6.1. АЖ ички назорат процедуралари қуйидагиларни ўз ичига олади:

6.1.1. Жамиятни бошқаришнинг турли даражаларида ўзаро алоқадор ва зид келмайдиган мақсадлар ва вазифаларни аниқлаш;

6.1.2. АЖнинг фаолияти мақсадларига эришишга халакит бериши мумкин бўлган потенциал ва мавжуд тезкор, молиявий, стратегик ва бошқа рискларни аниқлаш ва таҳлил этиш;

6.1.3. Ички назоратнинг муҳим таркибий қисмларини баҳолаш;

6.1.4. Тижорат жараёниларнинг ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш;

6.1.5. АЖнинг таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг ишлаши самарадорлиги баҳосини ва мезоналарини аниқлаш;

6.1.6. Молиявий ва бошқа ахборотларни ўтган даврлар учун қиёсланадиган ахборотларга ёки фаолиятнинг кутилаётган натижаларига нисбатан кўриб чиқиш;

6.1.7. Воқеалар, операциялар ва транзакцияларни ҳисобга олишнинг мос усулларидан фойдаланиш;

6.1.8. Активларнинг бутлигини текшириш;

6.1.9. Ички назорат процедураларини муносиб тарзда ҳужжатлаштириш;

6.1.10. Ички назорат тизимининг сифатини мунтазам баҳолаб бориш;

6.1.11. АЖнинг барча ходимлари эътиборига уларнинг ички назорат соҳасидаги мажбуриятларини етказиш;

6.1.12. АЖ ходимлари ўртасида муҳим мажбуриятларни (шу жумладан, операцияларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, ресурсларни бериш, сақлаш ва олиш, операцияларни таҳлил қилиш ва текшириш бўйича мажбуриятларни) тақсимлаш;

6.1.13. Операцияларни, фақат тегишли ваколатлар берилган ходимлар томонидан тасдиқланиши ва амалга оширилиши;

6.1.14. Ички назорат мақсадларига эришиш учун зарур бўлган бошқа процедуралар.

6.2. Ички назорат процедураларини ўтказиш чоғида назорат қилиш, кузатиш, тасдиқлаш, қайтадан санаш усуллари ҳамда ички назорат процедураларини амалга ошириш учун зарур бошқа усуллар қўлланади.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Ушбу Низом ҳамда унга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар АЖ Кузатув кенгаши томонидан, мажлисда иштирок этаётган ёки сиртдан овоз беришда иштирок этаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан тасдиқланади.

7.2. Ушбу Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Корпоратив маслаҳатчининг, АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг, АЖаудиторининг, АЖ Тафтиш комиссиясининг, АЖ Ижроия органининг таклифига биноан киритилади.

7.3. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ва меъёрий ҳужжатларининг ўзгариши натижасида мазкур Низомнинг айрим моддалари улар билан зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ҳамда Низомга ўзгартиришлар киритилгунга қадар Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига таяниб иш кўради.